



## Next Year's Wars

From Sochi to Sudan, 10 conflicts that will threaten global stability in 2014



Америкада чоп этиладиган нуфузли Foreign Policy журнали ҳар йилги анъанага кўра, “Глобал барқарорликка таҳдид солувчи низолар” рўйхатини чоп этди. Бу гал рўйхатдаги 10та ўриндан бештаси янги номзодлар, улар орасида Марказий Осиё ҳам бор.

Рўйхатни тузган Foreign Policy мутахассиси Луиза Арборнинг айтишича, “Бу рўйхат биринчи навбатда шунини кўрсатадики, низолар ўз ўзидан ва фавқулодда тарзда юзага келмайди.

Одатда улар чуқур илдиз отган муаммоларнинг оқибати бўлади: иқтисодий қолоқлик, давлатнинг ўз фуқароларига тамал ижтимоий ҳақларни бера олмаслиги ва ш.к.”

Рўйхатда ўрин олган низо таҳликасини ташувчи минтакалар куйидагилар:

### Сурия ва Ливан

АҚШ минтақадаги низога кўшин киритишдан воз кечгач, фуқаролар урушининг кўлами кенгайиб, жараёнга Ливан ҳам кириб бормоқда. 22 январ куни Женевада режаланган тadbирнинг натижаси урушаётган тарафларнинг истаклари билан бир қаторда, ташки кучларнинг минтақадаги манфаатларига ҳам боғлиқ бўлади.

### Ироқ

Арборнинг тахминига кўра, 2014 йилда Суриядаги низо Ироқ билан тобора умумлашиб боради. Ироқдаги суннийлар, худди Суриядаги каби маҳаллий ҳукуматга қарши курашмоқда. Ҳукумат уларни сиёсий жараёнга жалб этиши, ва шу билан “Ал-Қоида”га қарши курашда ҳамкорлик қилиши зарур. Бошқа йўл билан мамлакат парчаланишининг олдини олиб бўлмайди, – дейди макола муаллифи.

### Ливия

Каддафийдан кейинги Ливияда мамлакатнинг асосий қонунини иш-

лаб чикувчи орган хануз йўқ, Бош вазирга икки марта суиқасд уюштирилди, одамлар давлатга умуман ишонмай қўйган.

Ливия жамияти бир неча парчага бўлинган ва улар ўзаро қарама-қарши: исломийлар либераллар билан, консерваторлар инқилобчилар билан, марказ вилоятлар билан. Foreign Policy ходимида кўра, Ливияда қуролли тўқнашувлар яна бир неча йил давом этади.

атаб келинади. Мустақил исломий гуруҳларнинг кучайиши кузатилади. Умуман “ҳукумат барча ўринларда ўз назоратини йўқотиб бормоқда”. Бундай вазиятда чиқиш йўли битта: “Пойтахт Хартум ва қолган минтакалар орасидаги муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш керак” – дейди Foreign Policy мутахассиси.

### Сахел ва Шимолий Нигерия

Сепаратист ҳаракатлар, терроризм

## “ЯНГИ ЙИЛДАГИ ЯНГИ УРУШЛАР” FOREIGN POLICY РЎЙХАТИ

### Гондурас

Гондурас дунёда “қотилликлар пойтахти” саналади (2013 йилда бу ерда ҳар 100 минг кишига 80 қотиллик тўғри келган). Бундан ташқари, бойкамбағал тафовути бўйича дунёнинг илк 10 талигидан ўрин олган. Мамлакатда криминал кучлар ҳукмрон, суд тизими деярли ишламайди, полиция тизими порахўрликка ботган, давлатни деярли тўлиғича бандит гуруҳлари бошқаради.

Гондурасдаги бундай ҳолатни Foreign Policy 2009 йили президент Мануэль Селайянинг ағдарилиши билан изоҳлайди.

Ўшандан бери мамлакатда 10 ҳуқуқбон, 29 журналист, 63 адвокат ва бошқарув органларига номзод 20 якин сиёсатчи суиқасд қилинган. Аксарият ҳолатларда қотиллар топилган эмас.

### Марказий Африка Республикаси

2013 йил март ойида Мишель Жотодия бошлиқ “Селека” кўзғолончилар гуруҳи мамлакат президенти Франсуа Бозизени тахтидан ағдарган эди.

Сентябр ойига келиб Жотодия “Селека”ни тарқатиб юборди, оқибатда мамлакат бўйлаб зўравонликлар авж олди.

Мамлакатда на армия, на полиция қолмаган, зўравонликларни тўхтагидан ҳеч ким йўқ.

Ғарб давлатлари аввалига вазиятга аралашмай турдилар, кейинроқ БМТ “тинчликпарвар” кучлари киритилган бўлди.

### Судан

Судан кўп йиллардан бери “беқарорлик ва террор ўчоғи”

ва Шимол-Жануб зиддияти – мана шулар Мали, Нигер ва Нигерия учун 2014 йилдаги асосий таҳликалар, дейди Foreign Policy.

2013 йили француз кўшинларининг киритилишига қарамай, Мали худудидаги вазият бугун “барқарорликдан йироқ”. Туареглар давлат кўшинлари билан жанг олиб бормоқда ва музокара қилмоқчи эмас.

Нигерия учун эса асосий таҳлика “Боко Ҳарам” гуруҳи бўлиб қолмоқда.

Ҳукумат систематик коррупцияни ҳал этмас экан, 2014 йилда янги қурбонлар яна-да кўпроқ бўлади.

### Бангладеш

Январга белгиланган умумсайловлар арафасида сиёсий зўравонлик кучайиб бормоқда. Жабрланганлар юздан ошган, кўп инсонлар ўлдирилган.

Мухолифат ҳукуматни айблаб, сайловларни бойкот қилишга чақиради. Арборга кўра, бундай вазиятдан чиқиш йўли, икки қарши тараф – Бош вазир Шайх Ҳасина билан мухолифат лидери Холида Зиё ўртасида музокаралар ўтказиш.

Бунинг учун улар ўзаро шахсий адоватни енгиб ўтишлари керак.

### Марказий Осиё

Бу ердаги асосий таҳлика омили, Foreign Policy наздида, бу – Афғонистондан НАТО кўшинларининг олиб кетилиши ҳамда минтақа давлатларининг аксариятида ҳокимиятни топшириш механизми мавжуд бўлмаган сиёсий тизимдир.

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Эскирган инфраструктура, чегара масаласидаги тортишувлар, ресурслар учун кураш, зўр-аранг ишлаб турган хавфсизлик органлари, конгонга сингиб кетган коррупция – буларнинг бирортаси барқарорликка хизмат қилмайди. “Гарчи 2014 йилда халқаро ҳамжамият эътибори, шубҳасиз, яна Афғонистонга қаратилган бўлса-да, Марказий Осиё мамлакатлари ҳаддан ташқари узоқ йиллар бировларнинг ўйинидаги пешка роли ажратиб келинганидан кейин, дунёнинг фақат шу бурчагига хос бўлган бетакрор хусусиятларини энгиб ўтишга яна-да давом этавди”.

### Шимолий Кавказ (Сочи)

“Бу йил февралда Россия Сочи шаҳрида Олимпиада ўйинларини қабул қилади. Унга 47 млрд доллар сарфланмоқда – бу тарихдаги энг қиммат олимпиада. Бироқ му-

аммо – қимматчилик эмас, балки хавфсизликда. Зеро Сочининг шундоққина биқинида, Шимолий Кавказда, бутун Европа бўйича ҳали тугалланмаган ва ҳал этилмаган бир низо давом этаётир, – дейилади мақолада. – “Тезроқ, юқори, кучлироқ” дейилган Олимпиада шiori В.Путиннинг қўлида Шимолий

## “ЯНГИ ЙИЛДАГИ ЯНГИ УРУШЛАР” FOREIGN POLICY РЎЙХАТИ

Кавказлик кўзғолончиларга қарши “Тубанроқ, кўполроқ, қаттолроқ” деган шаклда қўлланмоқда. Сўнги кунлардаги Волгоград портлашларига жавобан хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

“Афсуски, бу тадбирлардан вазият фақат ёмонлашиши мумкин”, – дейди муаллиф. Жумладан, Доғистон раҳбари Рамазан Абдулатипов тўғридан-тўғри салафийларга

уруш очди, шу билан мусулмонларнинг турли мазҳаб ва йўналишлари ўртасидаги диалогига ҳам нукта қўйди. Оқибатда халқ қуролли дружиналари тузилди. Улар энди экстремизмга қарши курашга эмас, диндорлар орасида биродарқушлик урушига ишлатилиши мумкин.

“Сочида хавфсизликни таъмин-

лаш, албатта, зарур, – хулоса қилади Арбор. – Бироқ кўпол, куч ишлатиш сиёсатига қайтиш билан, Олимпиада ортидан зиддиятнинг яна-да чигаллашуви эришиш мумкин, демакки, 2014 йил ҳам жанубий Россия учун навбатдаги қонли йил бўлади”.

Uzbek.FM  
таржимаси



Минг йиллик ҳаётини тажрибалар асосида миллатимизда ибратли мақоллар пайдо бўлган қисқагина уч-тўрт сўз билан бутун бир ҳаётнинг фожеасини изҳор қилиш мумкин.

Деярли бир аср мобайнида СССР деб аталмиш ўтмиш бир давлатга бирлашган юздан ортиқ миллатга ўзларини “катта

Одатда қишлоқларда бу винолар йиллаб сотилмасди ва магазинни умумий остатқасини кўтариб қўярди.

Қишлоққа бирор ўрис келиб қолса, албатта унинг сотиб оладиган моли шу вино бўларди, буни кўрган қишлоқликлар уларга қизиқиб қарашарди. Ҳеч ким миллатчилик руҳида қарамасди. Чунки, бизга ҳукумат тепасида турганлар бу қарашга йўл қўйишмасди.

Мана бугунки кунда Россия ҳукумати чиқарган қарорлар «Балиқ бир жойидан сасиганини» кўрсатмоқда. «Резиновая квартира»га қарши баҳонасида чиқарилган бу қарор ҳозирги кунда юзминглаб ўзбекларни оғир аҳволга солиб қўйди. Россия полицияси ходимларига эса муммай пул даромадига айланади.

Ҳар участка полицияси ўз районидаги хонадонларда ким қаерда қайдсиз яша-

## ЎЗБЕККА ҚАРШИ СИЁСАТ: “УРМА, СЎКМА, ЁҚАСИНИ ЙИРТ”

оға” ҳисоблаб келган миллат бир думалаб бугун нега миллатпараст халққа айланиб қолди?

Кеча Россияда муҳожир бўлган дўстим билан суҳбатлашар эканман, дўстим «Эҳ, сенга нимасини айтиш мумкин? Мана кеча бизнинг йигитлар магазиндан ун сотиб олишса, ҳамма ерлик аҳоли қандайдир бошқача қараш қилиб сотувчи «Вы что, баланду кушаете?» дебди. Тўғри, бизлар улардек нонни магазиндан сотиб олмаймиз, ўзимиз уйда нон қиламиз. Бу ҳам етмагандек, полиция ходимлари кечадан бошлаб уйма-уй юриб 2500 дан пул талаб қилмоқда» деди.

Шунда мен бехосдан ёшлигимда магазинда ишлаб юрганымда бўлган воқеалар тушди.

Советлар даврида омбордан магазинга махсулот ёздирганингизда, истайсизми-йўқми бизга ҳар хил виноларни қўшимча ёздириб беришарди.

шини яхши билишади, шу сабабли ҳам пул ишлашни олдиндан бошлаб юбордилар.

Россия президенти Путин 23 декабрда қўл қўйган қонунда биринчи маротаба ўзи яшайдиган хонадонда қайдсиз яшаган муҳожир беш минг рубль жарима тўлаши, иккинчи марта эса етти минг жарима тўлаши, учинчи марта эса ўн йил мамлакатга қайтиб киргизмаслик жазоси берилди, дейилган. Авваламбор, маълумки муҳожир пешона тери билан топган пули билан Россия фуқароларини хонадонларида ижарада туриб уларга нафақат уй кирасини, балким уларнинг молиясини ҳам таъминлашар эди. Европада яшасамда, Россия ҳукумати томонидан амалга оширилаётган бугунги сиёсатни худди ўзбеклардаги «Урма, сўкма, ёқасини йирт» жумласида мужассам бўлганини англамоқчиман.

Дустназар Худайназар

## АҚШ МВ ЎЗБЕКИСТОННИ “ХАВФЛИ” МАМЛАКАТЛАР САФИДАН ЎЧИРДИ

АҚШ Мудофаа Вазирлиги Марказий Осиё мамлакатлари – Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни “хавфли” мамлакатлар рўйхатидан ўчирган.

“Хавфли” мамлакатларда хизмат қилгани учун аскарларга кунлик – \$7,5, ойлик \$225 миқдорида қўшимча тўловлар берилар эди.

Пентагон маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларидан ташқари рўйхатдан Шарқий Тимор, Гаити, Либерия, Уммон, Руанда, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Кувайт, Қатар, Саудия Арабистони, Сербия ва Черногория ҳам ўчирилган.

Пентагон матбуот котиби полковник Стив Уорреннинг айтишича, бу рўйхатнинг қисқартирилиши ҳаражатларни \$100 млн.га тежайди: “Ҳозир АҚШ Мудофаа Вазирлиги жами 194.189 аскарга қўшимча хавфхатар учун товон пули тўлаётди. 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб бу сон 50.000га камайиши мумкин.

2012 йили хавфли минтақаларда хизмат қилган аскарларга қўшимча \$500 млн. тўланган.

Янги рўйхат кучга кириши билан \$100 млн. тежалади”, – деди Уоррен.

Уорреннинг айтишича, ҳозир хавфли мамлакатлар рўйхатида Ироқ, Афғонистон, Ливан, Иордания, Покистан, Сурия, Йаман ва Миср қолган.

UZBEK.FM

## АКМАЛ САИДОВНИНГ ХОМХАЁЛЛАРИ БУ ЙИЛ ҲАМ БИТАДИГАН ЭМАС

Ўтган йилнинг сентябр ойида Нью-Йоркда, октябр ойи бошида эса Женевада дунё жамоатчилиги вакилларининг қаттиқ танқидларига дуч келиб, у ердан Тошкентга тажанг бўлиб қайтган инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бошлиғи А.Саидов янги 2014 –йилни жуда кўтаринки руҳ ва шижоат билан бошлади. Яқинда ўз ташкилотни учун И.Каримовдан катта бир моддий “мукофот” олган Ўзбекистоннинг бош “ҳуқуқ кўриқчиси” мамлакатдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари”лар тармоғини кескин равишда кенгайтиришга бел боғлади.

Янги йил арафасида И.Каримов фармони билан “Фуқаролик институтларига кўмаклашиш бўйича қўшимча тадбирлар” белгилангани ана шунга далилдир. Тадбирга кўра, эндиликда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ривожига халақит қилаётган барча бюрократик тўсиқлар олиб ташланармиш. Масалан, ННТларни рўйхатга олиш муддати 2 ойдан 1 ойга қисқаради, ННТ аввал 6 ой мобайнида молиявий фаолият юритмаса ёпиларди, энди ёпилмайди, ННТни рўйхатдан ўтказишга кетадиган харажатлар биратўла 5 баробарга камайтирилди ва ҳ.к. Унинг устига, ННТлар солиқ ва статистика идораларига топширадиган ҳисоботлар сони ҳам кескин камайтирилди.

Хуллас, А.Саидовнинг хомхаёлларига кўра, халқимиз бирдан сиёсий фаоллашиб, яқин муддатда ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада 4-5 тадан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” тузиш бошланади ва шу йўсинда юртимизда фуқаролик жамияти барпо бўлади-кўяди. Абсурд.

Бунинг абсурдлиги шундаки, шундоқ ҳам аллақачон минглаб ННТлар очиб ташланган бутун Ўзбекистон бўйлаб. Уларнинг кўплиги ҳақида А.Саидовнинг ўзи доим мақтаниб юради. Қани натижа? Биров ўз ҳақини талаб қилишга журъат қила олаяптими Ўзбекистонда? Ҳамма ерда газ ва электр йўқ, ким норози бўлиб чиқаяпти майдонга? Қани ўша минглаб ННТлар, нима қилаяпти улар вазиятни ўнглаш учун? Ҳеч нима, чунки кўрқади ҳаммаси. Менимча, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш учун одамларни конституцияда белгиланган ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга имконият яратиб бериш керак, матбуотни эркинлаштириш ва матбуотда сиёсий баҳсларга имкон бериш лозим. Мамлакатда муҳолифатга йўл очиб берилмаса, ҳеч қачон бу юртда фуқаролик жамияти шаклланмайди.

А.Саидов қачон бу нарсаларни тушиниб етаркан? Ахир бу – бутун жаҳон бошидан ўтказган, ҳаммага аён бир тажриба-ку. Наҳотки кўзбўямачилик билан узоққа бориб бўлса?

Қоплонбек



*Искандарлар ўтдилар  
Устунмиз деб дунёга,  
Дороларнинг тоғж-тахти  
Сигмай қолмиш сарпога.*

*Оқибат-чи, ҳеч кимса  
Юз тутолмай риёга.  
Баралла эсар солмишлар  
Тугаётганда ҳаёт:*

*Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!  
Чингизларнинг ялонғоч  
Қиличлари остида*

*Не-не ялоқ шоирлар  
Айтиб ўтмиш қасида,  
Инсоф бўлса қанийди  
Ҳеч қурса биттасида,*

*Ўлаётган чоғида  
Ёзарди ҳақ бир баёт:  
«Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!».*

*Не-не тузумни кўрдик,  
Парокандаси чиққан.  
Энг ақлли зотларин  
Зулмат қаърига тиққан.*

*Золимлар ҳам охири  
Бу зулмдан толиққан  
Аҳволида дунёга  
Ҳайқирганмиш: «Оҳ, наҳот  
Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот?!».*

*Ҳа, шундан бошқа йўлни  
Ахтарганлар нодондир.  
Уларнинг бугуни бор,  
Эртаси пушаймондир,*

*Улар учун маҳшарда  
Манзил ўзга томондир.  
Ўнг томондан келгани  
Нодонларга эрур ёт.*

*Чунки инсон учун йўқ  
Ислоддан бошқа нажот!  
Басрийни дор остига  
Олиб келган уммат бу,*

*Ҳанбални судрай-судрай  
Ҳолдан толган уммат бу.  
Сўнги лаҳзада аниқ  
Ҳақни билган уммат бу:*

*Тугади жами озор,  
Бундан катта йўқ сабот:  
«Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!».*

*Ғарб дунёга ҳукмрон  
Ухлаганда мўминлар.  
Дунё тинмай завқланди  
Йиғлаганда мўминлар.*

*Озгина дин деб қалбин  
Тиглаганда мўминлар.  
Бир шиор дунё узра  
Тинмай қоққанди қанот:*

*«Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!».  
Ким қандай йўл ўйласин,  
Барчаси ботил бўлғай.*

## ИСЛОМ

*Инсоният умрига  
Аниқки, қотил бўлғай.  
Ислом кетса заминдан  
Зулм муқобил бўлғай.*

*Ер устини эгаллар  
Бидъатлар-у хурофот.  
«Чунки инсон учун йўқ  
Ислоддан бошқа нажот!».*

*Ақлин пеш қилиб чиққан  
Даҳолар ҳам каззобдир.  
Улар тутган ботил йўл  
Кўз ўйнатган саробдир.*

*Бу зўр маслакка тақлид  
Қилган одам ҳаробдир.  
Гарчи унинг олдида  
Мингдан зиёдроқ сирот,*

*Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!».  
Аллоҳ каломи тинса,  
Демак, ҳаёт битгайдир.*

*Дунёни олиб келинг,  
Ундан файз ҳам кетгайдир.  
Бир манзилга минг йўлмас,  
Бир тўғри йўл элтгайдир.*

*Ҳулосам шу, азизлар,  
Ўзни айламанг барбод.  
«Инсон учун йўқ эрур  
Ислоддан бошқа нажот!».*

Хайрулла Ҳамидов



Тошкентдаги бир биродарим кеча чатта ёзиб қолди: пойтахтдаги тўйларда МЕВАЛАРНИ (!) ИЖАРАГА ОЛИШ УДУМ БЎЛАЁТГАНМИШ. Унинг айтишича, 12-14 кишилик столнинг қоқ ўртасига қўйилган банан, ананас, киви, мандарин, олма ва ҳоказо меваларни олиб, ейишга журъат этадиганлар кам эмиш.

Чунки кўпчилик бу ноз-неъматлар ижарага олинганини билар экан. Яъни мевалар столга “тўкин-сочинлик ва бошқалардан кам эмаслик спектакли”ни ижро этиш учунгина қўйилар экан.

Бу “кўрсатнома”дан беҳабар бўлган киши у-бу нарсага қўл тек-кизгудек бўлса, кўшни курсидагилар аввалига: “Қани, қани, олинг, олинг!” – деб жуда бир ёмон

қараш қилишарканлар. Кейинчалик “спектакль”дан хабари борлар меҳмонлар оми меҳмонни шивирлаб оғоҳлантиришар экан. Мен билан чатта ёзишган биродарим ана шундай ноқулай аҳволга тушиб қолган экан.

Энди шундай саволлар туғилади. Қурбинг етмаса, қарзга пул ва ижарага мева олиб, тўй қилиб нима қиласан?! Хўжақўрсинга ўтказиладиган бу томошаларни ким-

## ТОШКЕНТДАГИ ТЎЙЛАРДА МЕВАЛАРНИ ИЖАРАГА ОЛИШ УДУМ БЎЛАЁТИР

га кераги бор? “Келин билан куёв тўйхонага лимузин ва джипли кортежда келмаса, кейинчалик турмуши бахтсиз кечади ёки бефарзанд бўлишади” – деган шарт ёзилганмикан Аллоҳнинг бухгалтериясида?! Имкониятга яраша кичикрок ва камсуқумрок тўй қилинса, Аллоҳ норози бўладими?!

Йўқ, норози бўлмайди, албатта. Лекин кўни-кўшни, маҳалла-кўй норози бўлиб, гап-сўз қилишади-да!

Бизнинг ўзбекка эса Аллоҳнинг фикри эмас, халқнинг фикри муҳимрок! Ана шундай “халқпарвар” ва “демократик” бир халқмиз биз, ўзбеклар.

Ўзбекларимизга ҳайрон қоламан: боласи ёки невараси ноннинг кўзга кўринмас ушоғини ерга туширса ёки оёғи билан босса, дарров: “Болам, тавба кил!”

Ноннинг ушоғи ҳам нон, уни исроф қилмайдилар” – деб тўғри қойи-идилар.

Ленкин шу боласи ёки невараси катта бўлиб, 20-30 минг долларлик тўй қилса, 200 килограммлаб ош дамлаб, пиширилган ошнинг 100 килосини ахлатга ташласа, ҳеч ҳам қойишмайди. Чунки улар учун ноннинг ушоғини улуктиришига исрофгарчиликка қиради.

Нима ҳам дердим?! Раҳматли қизикчи Ҳожибой Тожибоев айтганидек: “Зайниддин-да! Ўзбек-да!”

**Саид АСКАР**

«Ассалому алайкум. Сизнинг «Ўзбек-да!» деган мақолангизни ўқидим. Катта раҳмат, жуда долзарб нарсани ёзибсиз. Мен фикрларингизга юз фоиз қўшиламан. Чунки бугунги кунда бизнинг халқ нафақат мева-чевани, балки ота-оналарни ҳам ижарага олиб бошлади. Мен ўзим Тошкентдаги институтлардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бизни институтда асосан бойваччаларнинг болалари ўқишади. Шунинг учун ҳам талабаларимизнинг аксарияти ғирт безори ва тарбиясиз йигит-қизлар. Улар ҳар куни бир ишқал чиқаришгани чиқаришган. Шунинг

экан бечоралар. Ижарага ота-она бўлиб қелишган экан. Лекин ролини эплаб ўйнаша олмагани сабаб фош бўлиб кетишибди. Қўрдингизми, бизни ёш авлод ҳам бузилиб бўлган. Бундай шумлик бошқа ҳеч бир миллат боласининг калласига келмайди. Ўзбекнинг боласининг калласигагина келади.

Чунки ўзбекнинг тарбияси шундай-да! Яқинда бир кўшним эса одамни умуман шокка туширадиган янгилик айтиб қолди. Кўшнимнинг айтишича, Тошкент шаҳридаги масжидларидан бирида имом хатиб бўлиб ишлайдиган қори ака иккнчи

## ЁХУД ИЖАРАГА ОЛИНАЁТГАН «ОТА-ОНА»ЛАР ВА «БИРИНЧИ ХОТИН»ЛАР

учун кўпинча уларнинг ота-оналарини қақиртиришга мажбур бўламиз. Шу кунгача уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказдик деб ҳисобот ёзиб тинчгина юрүвдик. Яқинда содир бўлган бир воқеадан кейин биз: «Биз билан суҳбатлашган одамлар студентларнинг ота-оналари эдими ёки бегона кишилар эдими? «- деб ўйланиб қолдик.

Чунки бир студент факультет деканининг олдига ота-онам деб мардикор бозордан бир кекса аёл ва эркакни олиб келган экан. Улар суҳбат давомида ота-она эмас, пулга ёлланган мардикорлигини билдириб қўйишибди. 50 минг сўмга келган

аёлга — ёш қизчага- уйланаётганда, ёш қизча имомга: «Биринчи аёлингизнинг розилигини ўз кўзим билан кўрмагунимча сизга турмушга чиқа олмайман» — деб туриб олган экан. Лекин имомнинг аёли бу ишга тамоман қарши бўлган. Шунда шум мулла ёш қизчанинг олдига биринчи хотиним деб бошқа бир бегона аёлни пулга (100 долларга) ижарага ёллаб олиб келган экан. У аёл ҳам ролни қойиллатиб ўйнаб берган. Орадан бир қанча вақт ўтиб, имомнинг биринчи хотини эрининг яширин ишидан хабар топган.

Ва келиб ёш қизчанинг сочларини юлган. Ана шундай гаплар.



Сиз бўлса фақат мева-чева ижараси ҳақида куйиб-пишиб ётибсиз.»

Бу мактубни ўқиб, рости, ёқамни ушладим. Сурияда, Афғонистонда, Ироқда, Мисрда ва дунёнинг яна кўп жойларида мусулмон болалари кўчада ёки вақтинчалик палаткаларда оч-наҳор яшаётган бир пайтда, ғайридин ва муртадларнинг ўқиларига нишон бўлаётган бир пайтда Ўзбекистондаги бойларнинг болалари ва муллалар ота-она ҳамда хотинларни ижарага олиб, бирлари институт раҳбарларини, иккинчилари эса ўз аҳли оилаларини алдаб юриши, бу жирканч кимсалар Ислондан ҳам, мусулмонлардан ҳам, уларнинг дард-муаммоларидан анча йироқ кимсалар эканлигидан далолат беради.

Ҳа, Аллоҳ биз ўзбекларнинг устига президент Каримовни бекорга юбормаган.

Нима ҳам дердим: ўзбекмиз-да!

**Саид АСКАР**

«Комил» исми билан изоҳ ёзган ўқувчининг саволлари (имло қандай бўлса, шундай тақдим этилмоқда):

“Узбекларда миллий мафкура йук, динда ҳам, дунёвийликда ҳам. Чеченлар, догистонликлар, араблар ҳам биз каби исломий тушунчалар остида яшайдилар, биз ҳам. Лекин, нега биз узбеклар ҳамма соҳада ношудмиз? Мактаб программасида утилган элементар формулаларни-ку гапирмай куяюлай, сантиметрни метрдан ажрата олмайдиган ёшлар купайиб кетган.

номаси мактаб программасига киритилиши ва ижро этилиши керакдир? «Тог Мухаммаднинг олдига келмаса Мухаммад тоғнинг олдига узи борибди» деган гап бор, бугунги биз тушунган Ислом бизни куткармас экан уни кайта куриб чикиб балки биз Исломни куткарармиз? Балки, кетлари ёг босиб кетган катта- катта кориларимиз шунга жазм қилишар?...

Агар сиз бугунги узбеклар тушунган исломни бошқача тушунсангиз буни бизга очикланг, токи биз ҳам тушунайлик. 29.9 million узбек исломни бошқача

буюк аждодларимиздир.

Бугунги «ислом олимлари» исломни ўз ҳаётларида ҳаддан ташқари кўп тадбиқ этганларидан эмас, тўғри тадбиқ этмаганларидан сабабли «комилжонлар»нинг танқидига учрамоқда. Ва уларнинг тилидан, билиб-билмай, чаламуллалар эмас, балки динимиз ислом қораланмоқда.

«Комилжонлар» фикрича, агар халқимиз номозни 5 вақт эмас, озроқ ўқиб, ўрнига позитив «илмларни» ўрганганда эди, интеллектуал соҳада олдинга кетиб, фанда таракқий этар, фаровонликка эри-

## М.СОЛИХ: «ФОЖИА — ИСЛОМГА БЕРИЛДИМ ДЕБ, БИДЪАТГА БЕРИЛИШДАДИР»

*Саҳифамиз Форумда ислом дини ва унинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақда баҳс вужудга келди. Бу муҳосабада адиб ва сиёсатчи Мухаммад Солиҳ ҳам иштирок этди. Қуйида унинг бизга муҳим кўринган баъзи фикрларини саҳифамизнинг ўқувчилари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.*

Танлаган касбга садокат деган тушунчанинг узи йук. 5 йил уқитувчиликка уқиб, эртасига қарасанг қирақаш, индинига бозорда ёнгоқфуруш, уям булмаса Россияга куча супургани кетади. Хаммасига дунёвий билимларни менсимаслик сабаб. «Аёл киши кучага чикса бузилиб кетади» деб барча савдо тоқчаларини шеркелбат йигитлар эгаллаб олишганига қарамай «аёли кучага чикмаган» миллатдан фохишаси купайиб кетиши кизик. «Ислом дунёвий илмни инкор этмайди» деб гапирилган билан Ислом дунёвий илмга буш вақт колдирмайди. Чунки, 5 вақт намоздан ташқари пайгамбарларнинг ҳулк- атворини кайта- кайта ва кайта- кайта тахлил қилиш керак, калта иштон кийиш керакми ёки узунрокми, соколни қандай куйган маъкул, унинг ранги қанак булса суннатга амал қилинган булади... ва хоказо.

Исломда «илмни Хитойга бориб булса ҳам урганинг» деган ҳадислар эса иккинчи даражали масала деб қаралади. Демак шариятни миллий мақсадга мослаб кайта куриб чиқиш керакдир, купрок уқишга, урганишга, ёшларнинг бир эмас бир нечта касбда профессионал булиб етишишини норма қилиб белгилаш керакдир. Бир нечта тил урганиш, хар бир балогат ёшидаги йигит- кизда хайдовчилик махорати ва гувоҳ-

тушунади-ю, сиз бошқача тушунаси. Хуш, Исломнинг қайси қуринишида халқимиз бошқа халқлар билан тенглашади? Сиз умумий гаплар билан эмас, деталлар билан очиклай оласизми фикрингизни?

Уйлайманки, йук, чунки сизнинг шархингиз миллат мафаатига эмас, араб спонсорларининг манфаатига йугрилган! Ибн Сино ва Берунийни билмадим, лекин, Улугбек айнан чаламуллалар фатвоси билан уз угли кули билан бугизланган -ку! Бугун ҳам Ислом деган тушунча айнан шу чаламуллалар томонидан бошқарилаётгани ва улар фойдасига ишлаётганини қурмайсизми?..

### Мухаммад Солиҳнинг жавоблари

Комилжоннинг миллат ҳақида қайгуришларининг самимийлигига шубҳа йўқ. Аммо мусулмонларнинг жорий фожиаси исломга қаттиқ берилганликда эмас, балки исломга берилдим, деб бидъатга берилганликдадир. Чунки ҳақиқий илм — исломдадир. Бу Ибни Синонинг илми, Ал Хоразмийнинг илми, Берунийнинг, Улугбекнинг, Али Кушчи ва бошқаларнинг илмидир.

Улар — ислом шариятини ўз ҳаётларининг дастури қилган инсонлар — бугунги дунёвий илмларнинг тамал тошларини қўйган

шиб.. Москвада енгилроқ ишларда ишлаган бўлар, турмуш савияси юксакроқ бўлган бўларди, дея мушоҳада қиладилар ва ниҳоятда «динни ислоҳ қилмасдан туриб, таракқийга эришиб бўлмайди» қабилдаги кенг тарқалган демагогия (сафсата)ни ёйишга ҳаракат қиладилар.

Аслида, ҳақиқат бу истикоматнинг терс йўналишидадир: ислом дунёсидаги бугунги залолат ва шармандалиқнинг асос сабаби — исломий илмсизликдир, дин билгисининг саёзлигидадир.

Яъни мусулмонлар динни ўзларига кўра эмас, ўзларини динга кўра ислоҳ қилишлари керак. Чунки ҳақиқий илм — исломдадир.

Демак, динни ўзимизнинг ПАСТ савиямизга туширишга интилиш ўрнига, қалбларимиз ва ақлларимизни диннинг ЮКСА-Кликларига кўтариш учун ғайрат қилишимиз керак. Илмларимизни ҳам шу табиий иқлимда оширишимиз лозим. Миллий мафкурामиз ҳам шу тамалга қурилиши керак. Афсуски, сиз айтгандай, ислом номидан гапираётган чаламуллалар кўп. Буни зотан эътироф қилдим аввалги хатимда. Лекин ҳаммага маълум бўлган бу тасбит сизга 29,9 миллионлик аҳоли номидан гапириш ҳуқуқини бермайди.

*Давоми келгуси бетда*

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Мен ўз фикримни айтдим, сиз ҳам одоб билан ўз фикрингизни айтаверинг, дарров 29,9 миллионнинг адвокатига айланмасдан.

Улуғбекни дин эмас, чаламуллалар ўлдирди. Сизнинг ватанпарварлигингизни «сами-

қилганидай, шариатнинг қонун-қоидаларини бажаргани учун шу таназулга тушдимиз уммат?

Нега мусулмон бўлмаган Оврупо ва Америка фан ва техникада олдинга кетди? Нега уларнинг жамиятида моддий фаровонлик ва ижтимоий истиқрор ҳоқим?

Бу саволларга ҳар ким тушуна-

## М.СОЛИҲ: «ФОЖИА — ИСЛОМГА БЕРИЛДИМ ДЕБ, БИДЪАТГА БЕРИЛИШДАДИР»

мий» дегандим, аммо сизни ранжитмаслик учун унинг муҳим жиҳатини яширгандим, айтишга мажбур қилдингиз: сизнинг ватанпарварлигингиз саёзидир. Саёзлик эса доим агрессив бўлади. Худди Улуғбекни қатл этган чаламуллалар каби агрессив. Шу маънода, сиз ўша нафратланганингиз чаламуллаларга жуда яқинсиз: улар дин тарафидан чаламулла, сиз қарши тарафдан чаламулласиз. Яъни, айти танганинг терс юзисиз.

Китобимиз Куръони Карим арабларнинг ҳадяси эмас, Оллоҳнинг юборган Китобидир. Унда ўтмиш ҳам, келажак ҳам ёзилгандир. Бу илмий исбот қилинган бир ҳақиқат. Ақлли инсонларга исботни такрорлашнинг ҳожати йўқ, жоҳилларга эса фойдаси йўқ.

Сиз яна бошқа бир изоҳда халққа «кўзингни оч, бўйнингдаги дин занжирини уз!», дея хитоб қилибсиз.

Аммо кўзни очиш билан муаммо ҳал қилинмайди. Кўз очиқ бўлиши мумкин, аммо кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Миллионлаб, ҳатто миллиардлаб кўзи очиқ кўрлар яшайпти дунё-мизда.

Фақат ўзларини яратган Зотни таниганларнинггина кўзлари (ҳақиқатни) кўриши мумкин. Қолганлари бебахтлардир — кўзи очиқ кўр, қулоғи бор сағирлардир. Роббини таниган инсонлар учун эса дин — махлуққа қулликнинг занжири эмас, Холиққа қулликнинг хурриятидир.

Хўш, нега бизнинг мусулмон ўлкаларимиз тараққий этмаяпти, нега қоқоқ?

Атеистларнинг

иддао

диган шаклда, содда жавоб бериш мумкин: Таназул уммат ислом шартларни бажаришни тарк этган асрдан бошланди. Мусулмонлар беш вақт номоз ўқисам, закот берсам, ҳажга борсам, рўза тутсам шунинг ўзи жаннатга киришим учун етарлидир, дея фикрлай бошлаганда таназул инди устимизга.

Таназулнинг сабаблари зоҳирда Иқтисодий, Сиёсий ва ёки Ижтимоий бўлиб кўриниши мумкин, аммо бу юзадаги сабаблар замирида асос сабаб — Маънавийдир.

Таназул биз шариат тақозо этган бошқа амрларга итоат қилмай кўйган заҳот инди.

Шариат мусулмондан ёлгон сўзламасликни, ваъда берса ваъдасини тутишни, омонатга хиёнат қилмасликни талаб этса, мусулмонлар сўзларкан ёлгон сўйлайдилар, ваъда берса ваъдасини тутмадилар ва омонатга хиёнат қилдилар.

Пайғамбаримиз бизга илмни Чиндан бўлса ҳам изла, бир ишни бажараркан, уни худди абадий яшайдигандай ижро эт, астойдил меҳнат қил, эртага Киёмат келаётган бўлса ҳам, бир ниҳол ўтқазиб имкони бўлса, у ниҳолни ўтқаз, деб насиҳат қилди, аммо мусулмонлар ялқовлик қилишди, илм излашдан эриндилар, илмилардан кўрқдилар, уларни Улуғбекни қатл қилган каби қатл этдилар, ниҳол экиш ўрнига, ўрмонларни кесдилар, далаларини вайрон айладилар.

Бунинг мукофоти — Таназул бўлди.

Овруполиклар эса тескарисини қилдилар: ёлгон

сўйламадилар, ваъда берса ваъдасини тутдилар, омонатга хиёнат қилмадилар. Ишларини пухта ва холис бажардилар. Ўзлари ислом бўлмасалар-да — Тавҳид истисно — ислом дини чизган чорчўп ичида ҳаракат этдилар: астойдил меҳнат қилдилар, илмли инсонларнинг бошини силадилар, ёрдам бердилар, юксалтдилар, бир дарахт ўтқазиб имкони бўлса, дарҳол ўтқаздилар ва ҳақозо ва натижада ўлкалари тараққий эта бошлади.

Ўтган асрда зикр аҳлидан бир олим бу ҳусусда шундай деган эди. «Овруполикларнинг қилган иши бизнинг динимиз каби мустаҳкам, бизнинг қилган ишимиз уларнинг дини каби бузуқ» деганди.

Ҳа, овруполик ўз ишини сифатли қилгани учун Оллоҳ уни бу дунёнинг неъматлари билан сийлади ва сийлапти. (Албатта, Охиратнинг ҳисоби бошқа, бу бошқа бир мавзу)

Яъни Ислом Дини бутун дунёга келган бир диндир, фақат мусулмон бўлган нуфузга келгани йўқ. Китобимиз дейдики, шу-шу ишларни шу-шу шаклда ижро этсанг, бунинг шундай мукофоти бор, ижро этмасанг шундай жазоси бор — ихтиёр сенда, дейди. Мужда шунчалар очиқ ва шунчалар содда!

Ғапимнинг сўнгида шу жиҳатга ҳам тегишни лозим кўрдим: бу ерда ислом дини факторининг тараққиёт ва моддий фаровонликдаги роли ҳақда гапирлар экан, бунга Оврупо жамиятининг зоҳирда кўринган мураффаҳ турмуши ўрнатилди.

Аммо Оврупо маданиятининг маънавий жиҳатидан буюк бир чўкиш жараёнини яшаётгани ҳақда гапирилмади.

Ҳолбуки, фақат моддий фаровонлик ва техник тараққиётнинг ўзигина инсон зотини бахтиёр қилиш учун етарли эмаслигини яна ўша Ғарб жамиятидаги ёлпи жиннат, рухий тушкунлик шафқатсиз бир шаклда намоён этди.

Бу фожиа юқорида ишора қилганимиз Тавҳиддан жудо бўлган бир жамиятнинг фожиасидир.



Ва иноятовларнинг маблағларини “ювиш” схемаси ва ушбу схемага хизмат қилувчи махсус банк оёкқа турғазилгач, ушбу ғоятклифларнинг асосий ташаббускорларидан бири – Алишер Азизхўжаев — Германияга йўл олган учокда тўсатдан ўлиб қолди.

Аслида эса Азизхўжаев Тошкент-Франкфурт авиарейсининг стюардессалари томонидан захарланиб ўлдирилганди. Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятовнинг шахсий топшириғига кўра ўлдирилганди.

Чунки Иноятов махфий режадан хабардор Азизхўжаев “идора” раисининг молиявий жиноятларини истаган пайтда ошкор қилиши мумкинлигидан кўрқарди.

Бошқача айтганда, Иноятов ушбу жиноятларнинг асосий гувоҳидан кутулиши керак эди. Азизхўжаевнинг тўсатдан ўлишига Иноятовнинг ва “идора”нинг алоқадорлигини билдирмаслик учун эса “объектнинг тўсатдан ўлими” учун осмонлар, яъни Тошкентдан Франкфурт-Майнга йўл олган авиарейс танлаган эди.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, Алишер Азизхўжаевнинг ўлдирилиши Рустам Иноятовнинг биринчи “буюртмаси” эмас.

Ўзбекистон МХХ раиси қачонлардир унга ёрдам берган ёки унинг жиноятларига шерик бўлган одамларни қандай йўқ қилишига яна бир мисол келтирамиз. Шундай қилиб...

**Хомийнинг баргараф қилиниши**  
“Ўзбекенгилсаноат” уюшмасининг собик ва марҳум раиси Ботир Эргашев 2000-йилларнинг бошларида Ўзбекистондаги энг нуфузли амалдорлардан бири ҳисобланарди.

Гарчи ўзбек пахтасини экспорт қилиш ишлари билан расман “Ўзпахтасаноат” уюшмаси шуғулланса ҳам, Ботир Эргашев ҳам бу ишларга бевосита алоқадор эди.

Ўша йиллари йирик тижорат ва давлат миқёсидаги бизнеснинг таъмини энди била бошлаган Иноятов ва унинг “идораси” пахта толасини экспорт қилишда муҳим ўрин тутган “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси ҳамда

унинг раиси Ботир Эргашевга кўз олайтира бошлашди.

Бироқ Рустам Иноятов Ботир Эргашевнинг бизнесини тортиб олишни ҳам, унинг даромадларига шерик бўлишни ҳам ўйламади. Ўзбекистон махсус хизматларининг айёр раҳбари Эргашевни узокрок муддатдаги мақсадда — президент Ислоҳ Каримовнинг оиласини парчалаш ишларида — қўллай бошлади. Рустам Иноятов президент девони Ишлар бошқармаси бошлиғи Зелимхон Ҳайдаров билан биргалашиб, Ботир Эргашевга “Ислоҳ Абдуғаниевичнинг оиласи учун совғалар харид қилиш учун арзимаган пуллар ажратишни” маслаҳат берардилар.

Шунинг учун Иноятовнинг ва Ҳайдаровнинг маслаҳати билан “Ўзбекенгилсаноат” уюшмасининг ўша даврдаги раиси Ботир Эргашев президент Ислоҳ Каримовнинг қизлари ва неваралари учун ўз хисобидан “арзимаган совғалар” сотиб олишни бошлади. Илк марота-

Бундай манфур ишларга Лола Каримова ташриф буюрадиган кафе ва рестороанларнинг ходимлари ҳам жалб қилинарди.

Шу билан биргаликда Иноятов ўзини, гўёки, президент оиласи ҳақида қайғурядиган одам қилиб кўрсатишни унутмасди.

Бошқа тарафдан эса, Каримов оиласининг аъзоларига уларнинг юмушлари ва хавфсизлиги билан МХХ раисининг ўзи шуғулланаётгани жуда ёқарди.

Иноятов уларнинг сиёсий суъистеъмолликларига кўз юмуши ҳам ёқимли эди. Ва каримовлар аста-секин Иноятов деган аждаҳонинг тутқунларига айланиб бораётганларини сезмай қолишди.

Ва 2000-йилларнинг бошларига келиб, яъни Иноятовнинг уринишлари ва Ботир Эргашевнинг хомийлик кўмаги билан Татьяна Каримова кўп миллионли маблағларга, Лола Каримова эса гиёҳванд моддаларни қабул қилишга кўниктирилгач, “идора” раиси каримовлар оиласини

## ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ Р.ИНОЯТОВ ТОМОНИДАН БУЮРИЛГАН ҚОТИЛЛИКЛАР ВА БОШҚА ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА

ба “идора” раисининг топшириғига кўра, Ботир Эргашев Лола Каримованинг туғилган кунига атаб, Зелимхон Ҳайдаров орқали қиймати “арзимаган” 200 минг АҚШ долларига тенг занжир бериб юборди.

Иккинчи маротаба яна ўша Иноятовнинг топшириғига кўра ва яна ўша Ҳайдаров орқали Татьяна Каримованинг туғилган кунига атаб Ботир Эргашев “арзимаган” совға сифатида нақд 500 минг доллар бериб юборди.

“Идора” раисининг топшириқларини бекамукўст бажариб келган Ботир Эргашев кейинчалик Лола Каримова иштирокидаги қимматбаҳо, беҳаё зиёфат ва тунги гаштакларга хомийлик қила бошлади.

Шунингдек, МХХ раисининг топшириғига кўра, Ботир Эргашев зиёфатларнинг харажатларини тўлаб, Лола Каримовани гиёҳвандликка ўргатиш учун ғракотик моддалар сотиб олишга ўтди.

Бу ишларда Ботир Эргашев фақат хомий вазифасини бажарар эди. Қолган топшириқлар, жумладан, Лола Каримовани гиёҳванд моддаларни қабул қилишга ўргатиш ишлари билан эса МХХнинг штатдаги ходимлари ёки Лола Каримованинг яқинидаги одамлар шуғулланишарди.

парчалаш операциясининг хомийсидан кутулишга қарор қилди. Ва айёр Иноятов бу ишни ўз қўли ёки ўз “идораси”нинг иштироки билан эмас, балки ўша даврдаги ички ишлар вазири Зокир Алматовнинг ва ташкилотининг қўли билан амалга оширди. Хусусан, 2002 йилнинг охирида Рустам Иноятов Зокир Алматовни “Ботир Эргашевнинг уйида жуда катта миқдордаги нақд долларлар бор”лиги ҳақидаги “тезкор” хабар билан таъминлади.

2002 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг маслаҳатига таянган Зокир Алматов ўз ходимларига Ботир Эргашевнинг уйида тинтув ўтказишни буюради. Тинтув пайти Ички ишлар вазиригининг 7-бўлими ва Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари Ботир Эргашевнинг уйида 27 миллион нақд доллар топишади ва олиб кетишади.

Шундан сўнг “Ўзбекенгилсаноат” уюшмасининг ўша даврдаги раисининг юраги хуружга учрайди. Ботир Эргашев зудлик билан Биринчи ҳукумат касалхонасига олиб келинади.

*Давоми келгуси сонда*



### Нух алайҳиссалом

Нух алайҳиссалом Ламак бин Матту Шалоҳ, бин Аҳнух (ва ёки Ухнух, яъни Идрис алайҳиссалом), бин Ярд (ва ёки Ярид), бин Махлоил, бин Қайн (ва ёки Қайнон), бин Ануш, бин Шис, бин Одам алайҳиссалом ўғлидир (1).

Нух алайҳиссалом узун бўйли (2), бугдойранг, нозик танли, узунчок бошли, йирик кўзли, узун ва кенг соқоли, йирик гавдали эди. Кўллари ва оёқлари ингичка эди (3).

Нух алайҳиссаломнинг маскани Ироқда эди (4). Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёук ва Наср деб аталган бутларга (5) топинган қавмини уларга келатган азоб билан кўрқитмоқ ва ягона бўлган Аллоҳга ибодат эттирмак учун Нух пайғамбар ўлароқ юборилди (6).

(Нух алайҳиссалом ўз қавмига:)

- Эй қавмим, Аллоҳга ибодат этинг! Сизнинг Ундан бошқа илоҳингиз йўқдир (7). Шубҳасизки, мен сизни Аллоҳнинг азобидан очик кўрқитмоқдаман. Аллоҳдан бошқасига топинманг, сизнинг бошингизга даҳшатли азоб тушишидан кўрқмоқдаман, — деди (8). Қавмнинг йўлбошчилари (Нух алайҳиссаломга):

- Сен йўлдан озганга ўхшайсан, — дейишди. У айтди:

- Эй қавмим, мен йўлдан озганим йўқ, мен оламларнинг Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбарман. Сизга Роббининг ваҳий этганларини таблиғ этяпман. Сизга яхшилик истайман, холос. Мен сиз билмаган нарсаларни Аллоҳдан келган ваҳий билан биламан. Сизга у даҳшатли оқибатдан хабар бермоқ учун, бундан сақланишингиз, ҳатто балки раҳматга қовушмоғингиз учун орангиздан сизга ўхшаган битгаси воситаси ила

Роббингизнинг огоҳлантирганига хайрон бўлясизми?, — (деди Нух алайҳиссалом). Шунда унинг қавми орасидан кофир кимсалар:

- Биз сени ўзимизга ўхшаган инсон деб биламиз. Жўн ва зоҳирий кўришдаги паст табақалар сенга тобеъдир. Сизларнинг бизга қарши устунлигингизни кўрмайпмиз. Аксинча, сизларни биз ёлғончи, деб биламиз, — дедилар унга.

(Нух алайҳиссалом) деди:

- Агар мен Роббимдан келган очик бир бурхон устида бўлсам-чи? У менга ўз қатидан бир раҳмат берган бўлса-ю, сизлар бунни кўра олмаган бўлсаларинг-чи? Сўйла менга, эй қавмим! Сиз раҳмат истамасангиз, бунга сизни зўрламоқчимизми? Эй қавмим, бу (таблиғлар) учун сиздан ҳеч нарса истайман. Менинг мукофотим Аллоҳдан бошқасига оид эмасдир. Мен иймон этганларни тарк этгувчи ҳам эмасман.

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

Чунки улар, муҳаққак, Роббисига қовушгувчидирлар. Мен фақат сизларни жоҳиллик этаётган бир қавм ўлароқ кўрмоқдаман. Эй қавмим! Мен уларни (иймон этганларни) қувсам, мени (Аллоҳ азобидан) ким қутқара билар? Менга ким ёрдам эта билар, ҳеч ўйладингизми? Мен сизларга “Аллоҳнинг хазиначиси менинг ёнимда”, демаяпман. Мен ғайбни (келажак) ҳам билмайман. Мен “Малакман” деяётганим йўқ. Шу билан бирга, сизнинг кўзингизга хор кўринган у кимсалар ҳақида “Аллоҳ уларга асло хайр қилмайди”, деб айтмайман. Уларнинг дилларидагини энг яхши билган Аллоҳдир. Акс ҳолда, ҳеч шубҳасиз, мен золимлардан бўлган бўламан, — (деди).

(Қавми) дедилар:

- Эй Нух, сен биз билан ўчакишиб турдинг, ҳаддингдан ошдинг. Агар сен ростгўйлардан бўлсанг, қани ўша таҳдид қилган нарсангни келтир бизга!

(Нух) деди:

- Уни хоҳласа, фақат Аллоҳ келтиражақдир. Сиз бунда Аллоҳни ожиз кўрмайяксиз. Агар Аллоҳ сизни ҳалок этишни хоҳласа, мен сизнинг қутқарилишингизни истасам-да, бу хайрихоҳлигим сизга фойда бермас. У сизнинг Роббингиздир, охири унга қайтажаксиз (10). Мен сизни (келажак) таҳликалардан огоҳ қилган биттасиман, холос, — деди Нух алайҳиссалом.

- Эй Нух, сен бу деганларингдан воз кечмасанг, муҳаққак, тошланглардан бўласан, — дейишди унга.

- Эй қавмим! Орангизда туриб,

Аллоҳнинг оятлари билан ўғит бераётган бўлсам-у, бу сизга оғир келса, нима ҳам дердим, мен фақат Аллоҳга ишониб, суянгандирман. Сиз ва ўртоқларингиз нима қилиш кераклиги ҳақида тўпланиб, қарор беринглар, ҳеч иккиланманг, ҳатто менга муҳлат ҳам берманг! Агар мендан юз бурсангиз, мен сиздан зотан мукофот истамаяпман. Менинг мукофотим ёлғиз Аллоҳнинг ҳузурдадир. Мен унинг ҳукмига бўйинсунган мусулмонлардан бўлишга амр қилиндим (12).

(Нух алайҳиссаломни қавми) ёлғончига чиқарди (13).

Кофирлардан баъзи бирлари:

- У ҳам сиз каби бир одам, холос. Сиздан устун бўлишни истаяпти. Агар Аллоҳ (пайғамбар юбормоқчи) бўлсайди, бизга малаклардан юборар эди. Биз оталаримиздан Аллоҳнинг ягоналигини ҳеч эшитмадик. Бу (Нух) ақлдан озган одам. Унга кўз-

қулоқ бўлиб бир оз кутинглар.

(Нух алайҳиссалом) айтди:

- Эй Роббим, улар мени ёлғончига чиқарди, менга ёрдам эт!

“Биз унга Шундай ваҳий этдик: “Сен бизнинг назоратимизда ва ваҳийимиз билан бир кема яса. Бизнинг амримиз келиб, қозон қайнай бошлаганда, кемага ҳар-хил (ҳайвонларнинг эркак-урғочи жинсидан) бир жуфтдан жойлаштир ва оилангни олиб, (ўзинг ҳам кемага чиқ).”

Қавмингдан аввал ҳукм қилганларим мустасно. (Лекин) у зулм қилганларнинг қутилиши учун менга дуо қилма, улар, муҳаққак, бўғилишга маҳкум бўлдилар. Сен ва сенинг ёнингдагилар кемага жойлашиб бўлганда, “бизни у золимлар гуруҳидан саломатга ериштирган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деб дуо қил. Роббим, мени баракатли бир манзилга етказ! Сен манзилга етказгучиларнинг энг хайрлисисан, дегин” (14).

**Нух алайҳиссалом қавмини тавҳидга даъват қилиши ва бошига келган савдолар**

Нух алаҳиссалом халқ ўзларининг бутҳоналарида турганда, уларнинг ёнига бориб:

- Ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, денглар, — дея даъват қила бошлади.

У одамларга “мен Аллоҳнинг қули ва расулиман “деган сайин, одамлар ҳам уни эшитмаслик учун бошларини ёқаси ичига тортиб, қулоқларига бармоқларини тикиб, беркитишарди.

(Давоми кейинги саҳифада)



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Бир марта Нух алайҳиссалом “Ла илаҳа иллаллоҳ” деганда, санамлар (бутлар) юзтубан йиқилди. Буни кўриб, одамлар Нух алайҳиссаломни то йиқилгунча калтаклашди.

Қирол Маҳвил бундан хабар топиб, Нух алайҳиссаломни хузурига чақирди ва ундан:

- Сен ҳақда эшитганим нимадир? Динимга ва отангинг ўғилларига қарши қилаётганинг надир? Санамларни юзтубан йиққан сеҳр надир? Буни сенга ким ўргатди? — деб сўради.

Нух алайҳиссалом:

- Бутлар илоҳ бўлсайди, юзтубан йиқилмасди. Мен Аллоҳнинг қули ва Расулиман. Сен Аллоҳу Таолодан кўрк ва унга ҳеч нарсани шерик қилма, — деди.

Қирол Маҳвил санамлар байрами тайёрлангунча Нух алайҳиссаломни ҳибсга олишга, санамларни такрор шоҳсупаларга ўрнатилиши ва бузилган жойларининг таъмирланишига фармон берди. Байрамда халқ бу қилинган ишларни кўрсин, дея халққа эълон қилинди.

Нух алайҳиссалом Қирол ҳаққинда Аллоҳга дуо этди. Қирол бир бош оғриғига тутилди, ақлини йўқотди. Бир ҳафта сўнгра ўлди. Ўлиги олтин кафан устига қўйилиб, Санам ҳайкаллар ичида мотам тутилди, тавоф қилиниб, кўмилди.

Нух алайҳиссаломга тилда ҳар хил ёмонликларни қилдилар, сўқдилар, ҳақорат қилдилар (15). Қирол Маҳвилнинг ўрнига ўтирган ўғли Дармасил Нух алайҳиссаломни қўйиб юборди.

Халқ йилнинг маълум кунларида санамлар учун қурбон сўйиб, уларни тавоф этардилар. Бир сафар Ёғус байрами учун ҳар тарафдан келиб тўпланишганди. Нух алайҳиссалом уларнинг ёнига борди, ўрталарида туриб, “Ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ” деб айтишлар, дея саслангани заҳот, халқ яна бошини ёқаси ичига тортиб, кулоқларини беркитишди.

Нух алайҳиссаломнинг сасланиши билан, яна санамлар шоҳсупаларидан йиқилди. Ва халқ Нух алайҳиссаломнинг устига юрди. Калтаклашди ва бошини ёришди. Ва судраб Қиролнинг саройига олиб келишди. Қирол Нух алайҳиссаломга:

- Илоҳларга тааллуқли ишларга аралашмасликни сенга айтмадикми? Бундай ишлардан сени маън этмадикми? Ҳайкаллар супага қўйилганда, уларга сажда этажаксан, деб сенга амр этмаганмидим? Буни сенга ким ўргатди?, — деди.

**Нух алайҳиссалом қонга бўялган ҳолда:**

- Агар санамлар илоҳ бўлсайди, ерга йиқилмасди. Эй Дармасил, Аллоҳдан кўрк! Аллоҳга шерик қўшма. Чунки у сени кўриб турибди, — деди.

- Сен менга бундай хитоб қилиш қудратини қаердан топясан?, — деб сўради Қирол. Ва Нух алайҳиссаломни янаги санам байрамигача ҳибс этилиши, йиқилган санамларнинг тикланиб, уларга қурбон кесилиши ҳақида амр берди.

Амри бажо келтирилди.

Бир кун Қирол Дармасил Нух алайҳиссалом ҳақида кўрқинчли туш кўрди ва “бу мажнун, қилган ишини билмайди”, деб Нух алайҳиссаломни ҳибсдан озод қилди.

Ўша даврнинг Коҳини (башоратчиси) бўлажак тўфоннинг яқинлашганини халққа билдириб, Нух алайҳиссаломнинг

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

ўлдирилишини буюрар эди (16).

Бобил Қироли ҳам Дармасилга мактуб ёзиб, Нух алайҳиссаломнинг ўлдирилишига ишорат қилганди. Дармасил аҳолига хат ёзиб, Нух алайҳиссаломнинг Асном ибодатини ўзгартиришни истаётгани ва ягона Илоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини иддао қилаётганини тушунтирди. У халққа:

- Сиз шу санамлардан бошқа илоҳнинг борлигини эшитдингизми?”, — деб сўради.

Ҳаммаси:

- Йўқ, — деб, буни инкор этдилар (17).

Ва Нух алайҳиссаломнинг тавҳид ақидасини ёйишга тўсик бўлдилар (18). Ҳатто Нух алайҳиссаломни бўғиб, хушдан кетказдилар (19), уни ўлди деб ўйладилар (20). Нух алайҳиссалом ўзига келиб:

- Эй Аллоҳим, мени ва қавминни ёрлақ, чунки улар нима қилганини билмайдилар, — деди (21).

Кейин ғул олиб, такрор қавмининг ёнига борди. Уларни Аллоҳга иймон ва ибодатга даъват этди (22).

Нух алайҳиссалом ўзига тинмай зулм қилган қавми орасида 950 йил яшади (23).

У ниҳоятда сабрли ва ҳалим эди (24).

**Нух алайҳиссаломнинг Аллоҳга илтижоси ва қавмининг ҳалок бўлиши учун дуо қилиши**

Нух алайҳиссалом Таблиғ ва Даъват вазифасини кеча-кундуз, гизли ва очик шаклда давом эттирди. Аммо унинг бу ҳаракатлари қавмининг

иймондан қочиб, куфрларини орттиришдан бошқасига ярамади — беҳуда кетди (25). (Шундай бўлгач,)

Нух алайҳиссалом:

“Эй Роббим, улар менга исён этдилар. Моллари, болалари ва ўзларининг хусронини орттирган кимсаларга кулоқ солишди. (Бу кимсалар қавмга) катта ҳийлалар қилишди.

Улар (халққа): “Топинган бутларингиздан асло тонманг, айникса, Вад, Сува, Яғус, Яук ва Насрдан ҳеч тонманглар”, дейишди. Шундай қилиб, кўп одамни йўлдан оздирдилар.

Эй Роббим, бу золимларнинг адашувидан бошқа нарсасини ортторма (26). Шунда у Роббига: “Мен ортик мағлубман, менинг интиқомимни ол. (27)

Мен ва улар орасидаги ҳукми Сен бер, мени ва ёнимдаги мўминларни қутқар,” деб дуо-илтижо қилганди.

(28) Нух айтди: “Эй Роббим, ер юзида юрт тутган бирорта кофир қолдирма. Чунки Сен уларни қолдирсанг, улар қулларингни йўлдан оздирадилар, нонкўр ва фожирдан бошқа (фарзанд) ҳам тугмаслар.

Эй Роббим мени, онам ва отамни, иймон этиб уйимга кирганларни, эркак мўминларни, хотин мўминларни ёрлақ. Золимларнинг ҳалоқидан бошқасини ортторма”, — (деб дуо этди). (29)

**Тўфон кемасининг ҳозирланиши**

Аллоҳу Таоло Нух алайҳиссаломга дарахт экишни амр қилди. У ҳам экди. Нух алайҳиссаломнинг эккани сож дарахти 40 йилда вояга етди, бўйи 300 зиро бўлди (30).

Сож дарахти Ҳинд ўлкасида ўсадиган катта қора дарахт (31), унинг абанус дарахти экани ҳам билдирилади (32).

Нух (алайҳиссаломга Аллоҳу Таоло тарафидан шундай) ваҳий келди: “Қавминдан иймон этганлардан бошқа ҳеч ким асло иймонга келмаяжакдир.

Демак, улар қилаётган қилғиликлардан ғам чекма. Бизнинг назоратимиз остида ва ваҳийимиз билан кема яса. Зулм қилганлар ҳақида Менга гапирма, улар муҳакмақ сувда бўғилажаклар” (33).

Аллоҳу Таоло экилиб, вояга етган дарахтларни кесиб, кема ясашда қўлланишини Нух алайҳиссаломга амр этди (34).

Нух алайҳиссалом дурадгор эди (35). Дарахтларни кесди (36), қуритди (37).

*Давоми келгуси сонда*



Тахминан, 11-12 ёшларимда соди-р бўлган ва раҳматли бувам билан боғлиқ баъзи воқеаларнинг мазмун-моҳиятига катта бўлиб, Исломи динининг асосларини ўрганганимдан кейин тушуна бошлаганман. Ўша пайтларда бувам раҳматли мен учун ўта қайсар ва ёмон одамдек туюларди. Ҳозир ҳам аниқ ёдимда: бува-нинг “қайсар”лигини уйимиздагилар ҳам, сон-саноксиз дўстлари ҳам енга олишмасди.

Рамазон ойининг бир куни бува-нинг олдига дўстлари келиб, бувам ва улар ўртасида тахминан куйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

Нега сен Дада эшоннинг оғизочарига (ифторлигига) бормай-ман, — деяпсан?

- Унинг дастурхонига қўйиладиган озиқ-овқатлардан шубҳам бор?

- Овқатнинг нимасидан шубҳалана сан?

- Ҳалоллигидан шубҳаланаман.

- Дада эшон олдимизга чўчка гўшти қўймайди. У ҳам бир эшон: сен билган ҳалол-ҳаромни у ҳам билади.

- Дада эшоннинг болалари ароқ сотишади. Бугун оғизочарга қўйиладиган неъматларни Дада эшон ароқ савдосидан тушган пулларга сотиб олиб, қўйган бўлса-чи?

- Э-э-э, Шермат, роса бир майдагап, ғаламис одам экансан! Дастурхондаги овқатни Дада эшон қайси пулга олгани билан нима ишинг бор? Сен ей-шдан олдин “бисмиллоҳ” деб ейвер, сенга ҳалол бўлади!

- Сизлар шундай тавсия қиляпсизлар. Аллоҳ ва унинг пайгамбари эса: “Шубҳали нарсалардан узоқ юринглар!” — деб тавсия қилишган. Мен Аллоҳнинг ва расули-нинг тавсиясига қулоқ соламан, сизларникига эмас.

- Аллоҳ ва унинг расули: “Тумон иймандан айиради” — демаганмилар?

- Бу гап одамларга ва улар-нинг амалларига нисбатан айтилган. Шубҳали иш ва нарсаларга бу ҳадиснинг алоқаси йўқ.

- Дада эшон ва унинг болалари олаётган даромаднинг ҳалоллигига шубҳа қиляпсан-ку!

- Мен бунга шубҳа қилаётганим йўқ.

Аниқ ишончим комил-ки, Дада эшоннинг ва ўғилларининг ароқ соту-видан олаётган даромади ҳаромдир. Бу даромаднинг қиймати ғарлик (фоҳишабозлик) орқали топиладиган даромад билан тенгдир. Мен бугун Дада эшоннинг оғизочаридаги дастурхон ҳам ана шу ҳаром пулларга ёзилади деган гумондаман ҳолос.

- Менга қара, сен ёмонлаётган ўша Дада эшон ва унинг ўғиллари топган пулларига қишлоғимизда катта мас-жид қуришди. Қишлоғимиздаги на-мозхонлар учун сен ва ўғилларинг нима қилдиларинг?

- Дада эшон ва ўғиллари ароқ сотиб қурган масжиднинг гумбази ҳали ҳам қуламай турганига ҳайронман.

- Ҳа, шунинг учун Дада эшоннинг

- Ҳеч ким: “Офатни эшоннинг ўзи юборади”, — деяётгани йўқ. Биз: “Эшон баддуо қилади, Аллоҳ эса унинг дуосини ижобат қилади”, — деяпмиз ҳолос.

- Эй, аҳмоқлар, Аллоҳ ароқ сав-досига оиласи билан шўнғиб кетган эшоннинг эмас, мазлумнинг дуосини қабул қилади.

- Э, бор-эй! Сен, Шермат, яккамо-хов бўлиб ўлиб кетасан. Ўлсанг, жа-нозангга итлар ҳам келмайди.

- Тўғри, айтасизлар: мусулмон-нинг жанозасига мусулмон келади, ит келмайди. Ароқ сотадиган эшонлар, шундай эшонларни хаспўшлайдиган ялоқилар ва бошқа итлар жанозамга келмай қўяқолсин.

8-10 кишилик оломон уйимизни

## АРОҚ ҲИДЛАБ УХЛАЙДИГАН ЭШОН

масжидига бормайсан экан-да?!

- Албатта, бизнинг замонда фақат шубҳали озиқ-овқат ва мева-чевалар эмас, шубҳали иншоотлар ҳам бор. Улардан ҳам узоқ юриш керак.

- Сен, Шермат, ўзингни жуда ола-верма! Дада эшон ва сенинг наслинг ўртасида осмон билан ерчалик фарк бор: у эшонлардан чиққан, сен эса қора халқдан чиққансан. Шунинг учун-ма!

- Исломида насл устунлиги деган нарсаси йўқ. Исломида устунлик фақат Исломига амал қилиш билан бўлади.

- Дада эшон ҳам Исломига амал қиляпти-ку! Беш вақт намозни қанда қилмайди, рўза тутайди, закот беради, ҳажга бориб келди, масжид қурдирган бўлса. Яна нима қилсин у бечора?!

- Олди-бердида-чи?! Савдода-чи?! Турмушда-чи?! Бу соҳаларда Исломига риоя қилиш керак эмасми?! Фақат намоз ўқиб, рўза тутиб, мас-жид қурдириб, ҳажга борса бўлдимми? Мусулмон ароқ сотса ҳам, бўлар экан-да?! Мақтаётган эшонларинг ҳар куни ароқ ичишини биласизлар-ку!

- Шермат, ёлғон гапирма: Дада эшон ҳар куни ароқ ичмайди, рўза ой-ида ароқ ичишни тўхтатади!

- Олийжанобликни қаранг: Рама-зонда ароқ ичмас эмиш.

- Шермат, гапни қисқа қил: Дада эшоннинг оғизочарига борасанми-йўқми?

- Бормайман, — дедимку сизларга.

- Қара лекин, Шермат! Ҳамма га-пингни Дада эшонга етказамиз. Агар у сени баддуо қилиб, кейин бошингга офатлар ёғилса, ўзингдан кўр!

- Боринглар, етказинглар! Мен бу гапларнинг ҳаммасини Дада эшон-нинг юзига айтиб бўлганман.

У мени анчадан бери қарғайди. Эй, аҳмоқлар: офатни эшон эмас, Аллоҳ юборади.

асабий ҳолда тарк этди. Бу “делега-ция” ўша Дада эшоннинг топшириғи бўйича келган экан.

Бироз вақт ўтгач, раҳматли бу-вамнинг олдига бориб: “Буважон, сиз айтган эшон ростдан ҳам ароқ ичадимми?” — деб сўрадим. Шунда бу-вам раҳматли: “Эй, болам. Анави бо-бойлар мақтаётган эшон ароқ ичган куни, ухлашдан олдин соқолларини ароқ билан хўллаб ётади. Ухлаётганда ароқ ҳидини ҳидлаб ухлайди. Унинг учун ароқнинг ҳиди ёқимли эмиш. Буни бир мен эмас, бутун қишлоқ билади. Буни ҳозир олдимдан кет-ган иккиюзламачилар ҳам билиша-ди. Лекин ўша бадкирдор эшонни бу йўлдан қайтармаганлари етмагандек, бу ифлос ишларга қарши гинг дей-ишмагани етмагандек, Дада эшонни мақташади ҳам” — дегандилар.

Бувамининг бу жавоби чин юракдан чиққан самимий сўзлар бўлганига йиллар ўтиб, улғайиб, тушуниб етдим. Кичкиналигимда кўзимга роса қайсар ва ёвуз кўринган бувам нима учун “қайсар” ва “яккамохов” бўлганини энди тушуниб етяпман.

Раҳматли бувам мусулмонлик-ни даъво қилиб юрган ошна-оға-иниларининг ва атрофдаги бошқа кимсаларнинг иккиюзламачилиги-га шу тариқа исён қилган эканлар. Ҳаром ва шубҳали нарсалардан узоқ юришга ҳаракат қилган эканлар.

Ана шундай ялоқхўр ва иккиюз-ламачи кимсалар, мусулмонликни даъво қилган ҳолда кўфрга хизмат қилаётганлар ҳозир озми? Ҳозир ҳам кўп.

Афсусланарли жойи шунда-ки, бундан 20-30 йилгари қандай бўлса, ҳозир ҳам ялоқхўр ва иккиюзлама-чиларга қарши санокли кишилар курашмоқда.

Саид АСКАР

Сал кейинроқ бу мақолаларнинг бир қисми “Кўзи тийрон дард” ва “Иқроор” номли китобларида ўрин олди.

Ўзбекистонда одам ва табиатнинг бу ҳазин аҳволи бошқа шоир ва ёзувчилар асарларида ҳам муҳим масала сифатида кўтарилгандир. У бу мавзуда мақолалардан ташқари иккита шеър ҳам ёзгандир. “Табиат муҳофазаси ҳақда” шеърида шундай дейди:

Сенга нима бўлди

жоним Қорақум,

Қайга гойиб бўлди

буюк шамоллар,

Улуғ исён қани, қани талотум,

Жайронлар қаерда,

қани Жалоллар?.. (\*)

Бир қошиқ қонимдан кечсанг,

айтаман:

Қорақум, сен - қумсан

оддий қумсан - бас.

Сени ташлаб кетди ёввойи саман,

Денгизни қўймасак эди ўлдириб.

“Ҳа, ҳа, денгиз ўлган. Хохласанг,

жоним,

Тоғларга кетамиз!” дердим

шу онда,

Бирор - бир заҳару заққумдан ҳоли

Гўша бўса эди Ўзбекистонда!

Севглим, шунда ҳам мени

тушунмай

Кийина бошласанг эди тўсатдан.

“Кетдик!” дердим, босиб

тишига тишимни,

“Кетдик!” дейверардим

бу аросатдан!

## 6. АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Тарихни яширмак, уни сохталаштирмак Советларнинг жамиятни ”манкурт”лаштириш сиёсатининг бир парчасидир. Бу даврда “ягона Совет халқи”\* яратиш мақсадида миллатлар хотирасидаги “тарихий ришталар”ни\* узишга ҳаракат қилинди.

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Сени аллақачон тарк

этди йўлбарс!...

Тоғларим, сизга-да бир

бало бўлди,

Салобат йўқ бардош,

(чордона) қуришингизда,

кўрдим-у кўзимга жиққа

ёш тўлди –

Тоғларим шиддат йўқ

турушингизда...

Раҳм этиб, айбга буюрмасангиз,

Сизга ҳам чин гапни айтай

шу нафас:

Бугун ҳеч ким кўрқмас

гулдирасангиз,

Бугун хўмрайсангиз ҳеч ким

чекиммас!...

(\*) - Жалолиддин Мангуберди)

Шоир бу шеърида чўллардан тоғларгача бутун табиатнинг экологик фалокатдан мутъассир бўлганлигини ёзади. Туркистон табиати маъруз қолгани бу фалокат сабаби ила худди инсонлар каби динамизмини йўқотиб, мискинлашгандир. Иккинчи шеър “Ҳазилни тушунмак” деб аталади. Бу шеърнинг сўнггида Ўзбекистон бир махшар майдои каби кўринади:

“Йўлга ҳозирлик кўр, турақол”,

дердим.

Бизни қутиб турган бўлса эди йўл.

“Чиройли кўйлагинг кийиб ол”,

дердим

Агар кўйлақларинг бўлганида мўл.

Ҳазилни тушунмай, жоним,

қаерга

“Қаерга” десанг сен

огиз тўлдириб.

“Денгизга кетамиз!” дер

эдим шартта...

тарафидан идора этилди.

Бу сабабдан Амир Темурни Туркистон турклари буюк ҳурмат билан ёд этишади. Фақат Совет идорасининг тарих олдидаги кўрқуви сабабли Темурни мадҳ этмак, у ҳақда асарлар ёзмак таъқиқланганди. Лекин шоир ва носирлар, нима бўса бўлсин, туйғу ва тушунчаларни бирор бир шаклда ифода этишга доим интилганлар ва бунинг йўлини ҳам топа билганлар. Муҳаммад Солиҳ Амир Темур ҳақида бири мансура, иккиси шеър - учта асар ёзган. Буларнинг учаласи ҳам Совет даврида, Темур ҳақида ёзиш таъқиқланган йилларда ёзилган. Шоир асарларида Темурнинг исмини зикр этмасдан, унга имо қилади холос. “Ҳайкал соясида” мансурасида Темур ҳануз ишини битирмаган бир ҳайкалтарош сифатида кўрсатилади. Туркистоннинг миллий бирлиги ва истиқлолининг тимсоли сифатида қабул қилинган буюк

Бунинг учун аввало тарихий шахсларни коралаш компаниялари ташкил этилиб ўз қадрини билмаган, тубанлик комплексига бурканган, илдизсиз бир жамият қурмок истадилар.

Бу сиёсатдан асл мақсад Туркистонда яшаган турк қавмларига уларнинг давлат аъналарига эга эмаслиги ҳақидаги фикрни сингдириш бўлгандир.

Туркистонда қурилган давлатларнинг доимо агрессив бўлганлиги, Туркистон ҳукмдорлари “дунёнинг энг золим ва энг аҳмоқ” кимсалари бўлганлиги, илм ва фикр одамларининг эса “дунёдан беҳабар, феодализмга хизмат қилган мафкура курбонлари” сифатида кўрсатиларди.

Шунингдек миллий туйғу ва миллий бирлик фикрини талқин этгани учун “Туркистон” сўзини сўйламак ва умуман тарихга оид хур фикрлар баён этмак таъқиқланганди.

Бунга қарамасдан фикрини айтганлар эса совет мафқурасининг шиддатли хужумига учраганлар. Муҳаммад Солиҳ “Юлдузли тунлар” романинг муаллифи Пиримқул Қодиров ва “Ўлмас қоялар” романинг муаллифи Мамадали Махмуд каби ёзувчиларнинг юқорида айтилган сабаблардан қаттиқ танқидга учраганини, ва бу кўрқувдан тарихий романлар оз ёзилганлигини билдиради. Амир Темур Туркистон турклиги этиштирган сўнгги жаҳонгирдир. Темурнинг вафотидан кейин давлат парчаланди ва Туркистонда миллий бирлик ҳеч ўрнатилмади. Туркистон турклари Темурдан кейин хонликлар

жаҳонгир - ўлмаган унинг ўз миллатини истиқлолга эриштирмак ва буюк Туркистон давлатини қурмок каби муҳим вазифалари бор.

Темурнинг руҳи шоирнинг миллий тушунчаларига илҳом қайноғи бўлиб, унга қувват беради:

“От устида ўлтирган

жаҳонгир ҳайкали бу.

Йўқ, бир қарашга шундай

туюлади холос.

Ишонмасангиз, диққат билан кузатинг: Бу одам мутлақо жаҳонгир эмас, ҳайкалтарошнинг ўзи.

Янада диққат қилсангиз, унинг қўлидаги шамшир тош йўнадиған асбобга айланади. У худди отнинг қулоғига сайқал бераётгандай.

Йўқ, бу жаҳонгир эмас, жаҳонгир аллақачон ўлиб кетган.

Бу одам – ҳали ҳам ишини тугатмаган ҳайкалтарош”.

(1982)

Шоир “Йиқилганни тепма” деб аталган шеърида Амир Темурнинг таҳқир этилишидан қайғуради, чунки нима бўлса бўлсин, у буюк жаҳонгир.

У оддий инсон каби тамоғига балиқ қилтаноғи қадалиб ўлмади, тамоғига туғ текилиб ўлди. Унинг ланг оёғига у истило қилган давлатларнинг байроқлари ўралди ва у шунинг учун йиқилди:

Ўлмади у балиқ қилтаноғидан,

Унинг тамоғига туг

тиқилган бил,

йиқилса ҳам унинг ланг оёғига,

Яловлар (байроқлар)

ўралиб йиқилгандир ул.

Давоми келгуси сонда

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бу кашфни мен бир аёлнинг куймичида ҳеч тузалмаган, кўп амалиётлардан сўнгра гангрена даражасига яқинлашган каттакан ярада си-наб кўрдим.

Яра сохиби аёл бу яраси билан ўлишга тайёрлана бошлаганди, тузалишга ҳеч умиди йўқ эди.

Натижа хайратланарли бўлди. Яра тўрт ҳафта ичида тамоман битди!

Шундан кейин, янчилган буғдой нишонасининг сувини меъда ярасига қарши, ичак яраларига қарши ва крон хасталигига қарши дори сифатида тавсия қила бошладим. Кўп одамлар шифо топди.

Шу тарзда, Аллоҳ менга касалликнинг аввал сабабини ўрганишни, кейин эса уни даволашни ўргатди.

Ислом дини билан шарафланганимдан сўнгра, ташхис кўйишнинг қадим услуби – генетик илмни ўргандим.

Ва энди, замонавий тиббнинг боши берк кўчадан нега чиқа олмаётганининг сабабини биламан.

Тиббиёт олий ўқув юртра-рида ўқитиладиган китобларда жуда кўп касалликларнинг сабаби аниқланмаганлиги ёзилган. Ахир, касалликнинг сабаби номаълум бўлса, касалликни қандай қилиб даволаш мумкин?

Автомобил бузилса, таъмирчи олдин бузилиш сабабини аниқлаб, кейин таъмирлашга ўтади.

Касалликнинг сабабини аниқламасдан, тахминан қилинадиган даволар, таркиби ва таъсирини аниқламай туриб, бериладиган синтетик дорилар беморнинг аҳволини яна ҳам ёмонлаштиради.

Шундай экан, бугунги кунда шифокорлар Гиппократ қасамёдидаги “Беморга зарар бермаслик”, маъносидаги моддани бажармаяптилар. Янада аниқроғи, бугунги кунда бу қасамёдни бажаришнинг имконияти йўқ. Чунки «Малики Ҳақнинг доираи амридан чиқиб, вужудга аралашсанг, вужудга, албатта, зарар берган бўласан».

Яъни, инсон Аллоҳ изн бермагани ҳолатларда, вужуд ишига аралашса, унга зарар келтиради. Фақат бугунги кунда тиббиёт дунёси ҳакамларининг Малики Ҳақнинг амирлар доираси-

дан ҳам, Малики Ҳақ ким эканлигидан ҳам хабари йўқ.

Аллоҳу Таоло “Бир қулимга ақл берсам, муҳаққак ҳидоят ҳам берман”, дея хабар берди. Яна Ислом уламолари “табиб мусулмон, ақлли ва марҳаматли киши бўлиши керак”, дейдилар.

Ақлли инсон масалага турли нуқтаи назарлардан қарай оладиган ва аниқ қарорга кела оладиган одамдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в): “Ҳақ Таоло хавф қаердан келаётганини билладиган, яъни ҳақ билан ботил бири-бирига ўхшаб, уларнинг фарқини билиш қийин бўлган бир пайтда, ҳақ билан ботилни ажрата оладиган назарни яхши кўради”, деганлар.

Аслида, инсон соғлом бўлиши учун бошқа бир инсонга муҳтож эмас. Соғлиқни сақлашнинг йўли Куръони Каримда, ҳадисларда, буюк уламоларнинг китобларида батафсил тушунтирилган.

Маълумки, жонли ва жонсиз барча мавжудотлар танлаш ҳуқуқидан махрум бўлган зикр ҳолида яшайдилар. Фақат инсон зикр қилиш ёки қилмасликни ўзи танлайди.

Бироқ, инсоннинг хужайралари ҳам барча бошқа жонзотлар каби, доимо Аллоҳни зикр қилади. Имунитет тизимига ўша хужайралар зикрини муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган.

Хужайра химоя остида бўлса, ҳеч нарса уни зикрдан тўхтата олмайди.

Инсон ҳаром қилинган нарсаларни еб, ҳаром дориларни истеъмол қилсагина, хужайраларнинг зикри ўзгаради ёки тўхтайди.

Замонавий технологиянинг барчаси, замонавий тиббиётда қўлланилаётган бутун дорилар, сув ва озуқалардаги бутун қўшимча моддалар инсон организмдаги хужайраларни зикрдан айиришга, ҳатто куйфрга бошлашга хизмат қилади.

Зикрдан айрилган орган касалланади.

Номсиз: Ассалому алайкум, ҳурматли Ойдин хоним. Сиз замонавий тиббиёт пойдеворидан бошлаб хатога қурилган, дейсиз. Бу уқолга ҳам тааллуқлими? Инсоннинг бада-ни, қон томирига нина орқали дори юборишга муносабатингиз қандай? Ундан кейин уқолдан олдин баданнинг нина санчиладиган жойи спирт билан артилади. Бироқ Тошкентда биз намозхон мусулмонларнинг таркибида спирт бор, деб атирларни баданларига суртмасликларини, Араб мамлакатларидан олиб келинадиган

атирларни суртишларини биламиз. Бунга муносабатингиз қандай?

Ойдин Солиҳ: Бу саволга жавоб беришдан олдин, сизга ўн саккиз минг оламдаги бутун жонли ва жонсиз борлиқлар Аллоҳни давомли ва мажбурий зикр қилишларини эслатмоқ истардим. Фақат инсон зоти-га Аллоҳни зикр этиш ёки этмаслик ихтиёри берилган. Инсон бир нафс ўларок, Аллоҳни зикр этмаслиги мумкин, аммо унинг баданидаги бутун хужайралар, ўн саккиз минг олам борлиқлари каби, давомли ва мажбурий зикрдадир.

Бунга илова ўларок, ҳазм жараёнининг тўрт босқичдан иборат эканлигини эслатишимиз керак: биринчи ҳазм - оғизда, ошқозонда, ичакларда, иккинчи ҳазм - жигарда, учинчи ҳазм - қонда, тўртинчи ҳазм хужайраларда содир бўлади.

Ҳар қандай овқат ёки дори илк учта ҳазмда энг хавфли зарарлардан имунитет механизми билан тозаланади ва тўртинчи ҳазмга мумкин қадар тозаланган ҳолда келади.

Яна бир муҳим хусус шундаки, ҳар ейилган лўқма учта ҳазмни кечи-б, тўртинчи ҳазмда хужайраларнинг митохондрияларида электромагнетик тўлқинлар ишлаб чиқаради, бу - Ислом дини нуқтаи назаридан - Аллоҳга зикрдир.

Ичилган дори ҳам, бу тўртта ҳазмдан ўтиб, зикр ишлаб чиқаришга таъсир этади. Шу боисдан, инсон меъдасига тушган ҳар бир лўқма емак «ҳалол» сифатини ташимоғи керак.

Ислом динида «Таомни ейиш одо-бида» тўрт фарз, тўрт суннат ва тўрт мустаҳаб бор.

Биринчи фарз - емак (ёки дори) қаердан келгани, қандай тайёрланганини билмақдир. Иккинчи фарз - емакни (ёки дорини) «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим» билан бошламоқ.

Инсон биринчи фарзни бекор қилиб, иккинчисидан бошласа, емак (ёки дори) шубҳали ёки ҳаром бўлса - Аллоҳга қарши адабсизлик қилган бўлади ва гуноҳга ботади. (Яъни шубҳали ёки ҳаром емакни «бисмиллоҳ» билан бошлаб, сўнггида «Алҳамдулиллоҳ» деса)

**Ойдин СОЛИҲ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотлардан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**